

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2018 йил 9 апрелдаги №472-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат Танловлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Танлов тартиб-тамоийилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Хизматда шартнома асосида фойдаланиш учун жалб килинадиган Нукус каласы Жеке Терек-1 Жеке Терек-7 МСГ ички йул ва кучаларни 1,615 км жорий таъмирлаш

1.2. Танлов охирги қиймати – 1 801 860 980 (**Бир миллиард саккиз юз бир миллион саккиз юз олтмиш минг туккиз юз саксон**) сум ҚҚС билан. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан ижарабчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб **90 кун**

1.5 Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Тахиатош ТЙФУК**, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Узбекистон, Р.Қ Тахиатош тумани, Ш Рашидов 386

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Танлов комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов **Тахиатош ТЙФУК** биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Танлов комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар қўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хукуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат килишга ҳақлидирлар.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Тахиатош тумани йўллардан фойдаланиш
унитар корходаси бошлини

Роуз УМ

У Джумабаев

2022й



БҮЮРТМАЧИ:

Тахиатош ТЙФУК

Nukus shahar Jeke Terek MSG hududidagi 1,615 km
uzunlikdagi Zheke Terek-1 Jeke Terek-7 ko'chasini
joriy ta'mirlash.

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Тахиатагш тумани – 2022